



Курсантларнинг умумий жисмоний тайёргарликларининг илмий асослари

Тошкент шаҳар ИИББ

Ҳарбий сафарбарлик бўлими бош мутахассиси
подполковник Матчанов Русланбек Азатович

Калит сўзлар: умумий ва маҳсус жисмоний тайёргарлик, техник ва тактиқ тайёргарлик.

Жисмоний тайёргарликнинг асосий вазифалари спортчилар соғлиги даражаси ва имкониятларини ошириш ҳамда жисмоний сифатларни спорт курашининг ўзига хос хусусиятига жавоб берадиган бирлиқда жисмоний сифатларни ривожлантиришдан иборат.

Жисмоний тайёргарлик умумий, ёрдамчи ва маҳсус тайёргарликка бўлинади.

Курсантнинг умумий жисмоний тайёргарлиги юқори натижаларга эришиш учун пойдевор, зарур асос ҳисобланади. Шунингдек, У асосан Курсант организмини ҳар томонлама гармоник ривожлантириш, унинг функционал имкониятларини ошириш, жисмоний сифатларини ривожлантириш ва саломатлигини мустаҳкамлаш вазифаларни ҳал этилишини таъминлайди.

Шиддатли машғулот ва мусобақа юкламалари даврида фаол дам олишдан тўғри фойдаланиш

Умумий жисмоний тайёргарлик турли воситаларни ўз ичига олади. Улар орасида спорт анжомларида ва бажариладиган машқлар, шерик билан маҳсус тренажёрларда бажариладиган машқлар, бошқа спорт турлари: акробатика, енгил атлетика, спорт ўйинлари, сузиш ва ҳ.к.дан олинган умумий ривожлантирувчи машқларга ажратилади

Ёрдамчи жисмоний тайёргарлик маҳсус ҳаракат малакаларини ривожлантиришга қаратилган катта ҳажмдаги ишни самарали бажариш учун зарур бўлган маҳсус асосини яратишга мўлжалланган. У анча тор ва ўзига хос йўналишга эга ҳамда қўйидаги вазифаларни ҳал этади:

- асосан кураш учун кўпроқ хос бўлган сифатларни ривожлантириш;





- Курсант ҳаракатларида катта даражада иштирок этувчи мушак гурухларини танлаб ривожлантириш.

Ёрдамчи жисмоний тайёргарликнинг илғор воситалари сифатида шундай машқлар қўлланиладики, улар ўзининг кинематик ва динамик таркиби ҳамда асаб-мушак кучланиши хусусиятига кўра Курсантнинг мусобақа фаолиятида бажарадиган асосий ҳаракатларига мосдир. Шундай машқлар орасида қуйидагиларни ажратиш мумкин: курашнинг турли усулларини ишора орқали бажариш; маҳсус тренажёр мосламаларида бажариладиган машқлар; Курсантлар манекени билан машқлар.

Курсантнинг маҳсус жисмоний тайёргарлиги ҳаракатланиш сифатларини Курсантларнинг мусобақа фаолияти хусусиятлари томонидан қўйиладиган талабларга қатъий мувофиқ ҳолда ривожлантиришга қаратилган.

Курсантларнинг маҳсус жисмоний тайёргарлиги асосан кураш гиламида ўtkазилади ва ҳаракат малакалари таркибидаги энг муҳим ҳаракат сифатларини ривожлантиришга қаратилган. Шунинг учун маҳсус жисмоний тайёргарликнинг асосий воситалари сифатида мумкин бўлган турли мураккабликларни жалб қилган ҳолда мусобақа машқлари қўлланилади. Бундай мураккаблаштирилган машқлар Курсант организмига бўлган таъсири кучайтиради. Масалан, оғирроқ вазн тоифасидаги шеригини ташлаш, шерикларни алмаштирган ҳолда машғулот беллашувлари бажарилади ва х.к. Мана шу барча машқлар энергия таъминотининг у ёки бу механизмларини ривожлантиришга хизмат қиласи, шунингдек Курсантнинг шуғулланганлигига комплекс ҳолда таъсири кўрсатади ҳамда бир вақтнинг ўзида унинг жисмоний ва техник-тактик тайёргарлигини оширади.

Жисмоний тайёргарликнинг барча кўрсатилган турлари бир-бири билан узвий боғлиқ. Машғулот жараёнида бирон-бир жисмоний тайёргарлик турларига етарлича баҳо бермаслик охир-оқибат спорт маҳоратини ошишига тўсқинлик қиласи. Шунинг учун машғулот жараёнида кўрсатилган жисмоний тайёргарлик турларини оптималь нисбатига риоя қилиш жуда муҳим саналади. Унинг сон жиҳатдан ифодаси доимий ўлчам ҳисобланмайди, балки Курсантлар малакаси, уларнинг алоҳида хусусиятлари, машғулот жараёни даври ва организмнинг шу пайтдаги ҳолатига боғлиқ ҳолда ўзгариб.





Курсантлар машғулотига нисбатан умумий ва маҳсус тайёргарлик бирлиги тамоилии умумий ҳамда маҳсус тайёргарликнинг ўзаро боғлиқлигини назарда тутади. Бунда кўп йиллик спорт машғулотининг биринчи босқичида умумий тайёргарлик етакчи ўрин эгаллайди. Умумий тайёргарлик организм имкониятларининг маълум бир пойдеворини ҳамда ҳаракат малакалари ва қўнималари захирасини яратади. Масалан, машғулотнинг бошланғич босқичида акробатика машқларини яхши ўзлаштирган Курсантлар келгусида курашнинг мураккаб техник-тактик ҳаракатларини муваффақиятли эгаллайдилар.

Етарли даражада ҳар томонлама жисмоний тайёргарликка эришиш кўп жиҳатдан машғулот воситалари ва услубларининг оқилона танланиши, кўп йиллик машғулотлар жараёнида умумий ва маҳсус тайёргарликнинг оптимал нисбатларига боғлиқ.

Спортчи ёши, тайёргарлик даражаси, шунингдек алоҳида хусусиятларига қараб, бу нисбат бошқача бўлиши мумкин. Спортчининг умумий ва маҳсус тайёргарлиги нисбатлари ўлчамини аниқлашда, нафақат унинг тайёргарлик даражасини, балки алоҳида хусусиятлари: беллашувни олиб бориш усули, ҳаракат малакаларини ўзлаштириши, машғулот юкламаларига бардош бера олиши ва бошқаларни ҳисобга олиш лозим.

Шундай қилиб, маҳсус тайёргарлик умумий тайёргарликнинг мустаҳкам пойдеворига таянади ва шуғулланганликнинг ижобий қўчиш самарасини юзага келтиради.

Маҳсус жисмоний сифат бўлмиш “куч” деганда Курсантнинг рақиб қаршилигини енгиб ўтиш ёки мушак кучланиши ҳисобига унга қаршилик кўрсатиш қобилияти тушунилади.

Вариантлилик услуби асосан турли вазндан оғирликлар билан маҳсус машқларни бажаришни қўзда тутади. Ҳар хил вазндан шериклар билан машқлар сериялаб бажарилади. Битта серияда аввал оғирроқ вазн тоифасидаги рақиб билан 10-12 та ташлаш бажарилади, сўнгра тенг вазндан оғирроқ вазн тоифасидаги рақиб билан 15-16 та ташлаш, шундан кейин ўз вазн тоифасидаги рақиб билан 10-12 та ташлаш бажарилади. Ҳаммаси бўлиб 3 серия бажарилади. Дам олиш оралиғи 3-4 мин бўлади. Айниқса, тезкор-куч сифатларини (меъёрдаги, кичик) ривожлантиришда вариантлилик усулуви самарали ҳисобланади.





Усулларни анча оғир рақиб билан такомиллаштириш алоҳида куч имкониятларини ривожлантиришга, кичик вазн тоифасидаги рақиб билан эса - тезкорлик имкониятларини ривожлантиришга ёрдам беради. Бу оқибатда мусобақа машқида натижада беллашувинг ошишига олиб келади.

Мушакларнинг изометрик кучланиш услуби турли мушак гурухларининг 4-6 сек. давом этадиган статик максимал кучланишини назарда тутади. Изометрик машқларнинг қиймати шундаки, уларнинг ҳажми унча катта бўлмайди, кўп вақт олмайди, бажарилиши анча осон бўлади. Бундан ташқари, уларнинг ёрдамида маълум бир мушак гурухларига зарур ёки ҳолатларда, гавда қисмларини букиш ёки ёзишнинг тегишли бўғим бурчакларида танлаб таъсир кўрсатиш мумкин.

Курсант тезкорлиги - бу унинг мумкин қадар қисқа вақт ичида айрим ҳаракат ва усулларни бажариш қобилиятидир. Тезкорлик сифатини яхши ривожлантирмасдан курашда юқори натижаларга эришиб бўлмайди. Ўз рақибидан хатто секунднинг юздан бир бўлагига тезроқ ҳаракат қиласидан Курсант унинг олдида муҳим устунликка эга бўлади.

Курсант тезкорлиги кўп жиҳатдан унинг асаб жараёнлари ҳаракатчанлигига, шароитларга, рақиб ҳаракатларидағи кўримсиз ўзгаришларни сезишига бўлган сезгирилик унда қай даражада ривожланганлигига, беллашувда ҳар сафар юзага келган вазиятни бир зумда қабул килиш ва тўғри баҳолай олиш малакасига, тактик ҳаракатларни ўз вақтида ва аниқ бажаришга боғлик.

ХУЛОСА

Малакали курсантларнинг жисмоний тайёргарлигини оптималлаштиришга қаратилган тадқиқотлар катта эътибор қаратилмоқда. жумладан, курсантларнинг умумий ва маҳсус жисмоний тайергарлигини оптималлаштириш, жисмоний тайёргарлик босқичларининг машғулотлари катталиги ва йўналиш тизимларини такомиллаштириш, маҳсус жисмоний сифатларини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш, микроциклларда машғулотларни рационал алмаштириб ўтказишига оид қуйидаги қонуниятлар ва услублар аниқланди ва юқорида айтиб ўтилгандай, жисмоний машқлар ва югуриш билан мустақил шуғулланганда врач назорати ва ўз соғлиги ҳолати устидан назорат қилиб бориш зарур. Бунда курсант шуни билиб қўйишлари керак, тўғри ташкил қилинган югуриш мақслари таъсирида юрак қисқаришлари тезлигининг тинч ҳолатда ва югуриш





бажарилган заҳоти аста-секин сийраклашуви кузатилади. Югуриш билан доимий шуғулланиш курсантларнинг имтихон тест меъёрларини бажаришга ёрдам беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абдиев А.Н. Научно-педагогические основы формирования профессиональных умений тренера у студентов, специализирующихся в видах спортивных единоборств: Автореф. дис. ... д-ра. пед. наук. – Т., 2004. -51с.
2. *Abdullayev Sh.A., Xolmurodov L.Z.–Erkin kurash. O‘quv uslubiy qo‘llanma. – Toshkent. “Ilmiy-texnika axboroti-press nashriyoti”, 2017 y.132 b.*
3. Adilov S.Q. - Sport pedagogik mahoratini oshirish (Erkin kurash). O‘quv qo‘llanma. Toshkent: “Fanlar akademiyasi bosmaxonasida” nashr etilgan, 2019 y. B.221.
4. Аккуин А.Д. - Повышение комбинационности борьбы стоя, на основе поэтапного овладения техническими действиями в дзюдо на начальном этапе подготовки / Аккуин А.Д., Аккуина Е.Д. // Актуальные проблемы физической культуры, спорта и туризма: материалы XI междунар. науч.-практ. конф. – Уфа, 2017 г. – С. 173-175.
5. Arslonov Sh.A., Tangriev A.J. - Sport pedagogik mahoratini oshirish (Dzyudo). Darslik. Toshkent “O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati” 2017 y. 188 b.
6. Artiqov Z. – Sport pedagogik maxoratini oshirish (belbog‘li kurash) O‘quv qo‘llanma – Toshkent “O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati” 2020 y. 144 b.

